



20 20 у « 29 » июнь

№ Қ-286

« » 20 г

**Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви
худудидан “BEGZOD SHERZOD
INVEST” xususiy korxonasiga boғzor
tashkil etish uchun er maydoni ajratib
berish tўғrisida**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/242-сон йиғилиш баёни ва Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 20 апрелдаги 01-05/347-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/242-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви худудидан “BEGZOD SHERZOD INVEST” xususiy korxonasiga туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 698қ-дала контуридаги 5,0 гектар яйлов ер майdonи боғзор ташкил этиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майdonи ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Саматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов